Annotatsiya. Ushbu maqola O‘zbekistonda ko‘p qavatli uylarni boshqarishning hozirgi holatini o‘rganishga bag‘ishlangan. Maqolada muammolarni hal etishning istiqbolli yo‘nalishlariga – boshqaruv tashkilotlari o‘rtasida sog‘lom raqobat uchun shart-sharoit yaratish, mas‘ul mulkdorni shakllantirish, davlat organlarining nazorat funksiyasini asosli ravishda kuchaytirish, uy-joy kommunal xo‘jaligi (UJKX) sohasida davlat-xususiy sheriklikning yangi shakllarini izlashga alohida e‘tibor qaratilgan.

Аннотация: Статья посвящена исследованию современного состояния сферы управления многоквартирными домами в Узбекистане. Особое внимание в статье уделяется перспективным направлениям решения проблем – созданию условий для здоровой конкуренции между управляющими организациями, формированию ответственного собственника, разумному усилению контрольно-надзорной функции государственных органов, поиску новых форм государственно-частного партнерства в сфере жилищно-коммунального хозяйства (ЖКХ).

Annotation: The article is devoted to the study of the current state of the management of apartment buildings in Uzbekistan. Particular attention in the article is paid to promising areas for solving problems - creating conditions for healthy competition between management organizations, the formation of a responsible owner, reasonable strengthening of the control and supervisory function of government bodies, the search for new forms of public-private partnership in the field of housing and communal services (HCS).

Kalit so‘zlar: ko‘p kvartirali uylar, uy-joy fondi, uy-joy kommunal xo‘jaligi, boshqaruv kompaniyalari, davlat-xususiy sheriklik, uy-joy mulkdorlari shirkatlari, uy-joy kommunal xo‘jaligi, uy-joy fondining ma‘naviy eskirishi.

Ключевые слова: многоквартирные дома, жилищный фонд, жилищно-коммунальное хозяйство, управляющие компании, государственно-частного партнерства, товарищества собственников жилья, жилищно-коммунальные услуги, моральный износ жилищного фонда.

Keywords: apartment buildings, housing stock, housing and communal services, management companies, public-private partnerships, homeowners’ associations, housing and communal services, obsolescence of housing stock.

Введение

Указом Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» определены 100 приоритетных национальных целей развития.¹ Таким образом, среди 100 приоритетных национальных целей связаны с благополучием граждан и созданием благоприятных условий для их проживания. Это означает, что все отрасли экономики, деятельность которых направлена на повышение благосостояния населения, повышение уровня, качества и безопасности жизни граждан, обеспечивают обеспечение благоприятных условий для реализации важнейших задач.

Важнейшим из этих направлений является ЖКХ, создание комфортных условий проживания граждан, обеспечение жилых домов водой, электричеством, теплоэнергией и другими жизненно важными жилищно-коммунальными услугами (ЖКУ) [1].

Основная часть

Качество ЖКУ определяет качество и благополучие повседневной жизни человека. Современное ЖКХ представляет собой сложную организационно-экономическую и инженерную систему, и на сегодняшний день ее функционирование связано с рядом трудностей. Он характеризуется высоким уровнем морального износа жилищного фонда, несоответствием значительной его части требованиям комфортности и безопасности, необходимостью инновационного развития ЖКХ и технико-технологической модернизации, нехватка финансовых ресурсов.




Рисунок 1. Основные участники общественных отношений в сфере управления многоквартирными домами

В связи с большим количеством многоэтажного жилого фонда в республике (по доле жилых домов в общей площади) необходимо уделить внимание поиску эффективных моделей управления многоквартирными домами.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022г.№УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы». <https://lex.uz/ru/docs/5841077>

Управление многоквартирными домами в составе ЖКХ представляет собой систему имущественных и договорных отношений между субъектами управления, в том числе собственниками жилья, организациями, предоставляющими ресурсы, а также управляющими компаниями, товариществами собственников жилья (ТСЖ).

Основные участники общественных отношений в сфере управления многоквартирными домами представлены на рис.1 [2].

Баланс интересов основных участников рынка услуг жилищного фонда обеспечивается за счет обеспечения прозрачности и справедливости их деятельности, контроля за исполнением законов и нормативов в сфере. *Во-первых*, это ведет к созданию условий честной и свободной конкуренции между потребителями и поставщиками на рынке жилищного фонда, *во-вторых*, к формированию институтов ответственных собственников. В результате улучшится качество жилищно-коммунального обслуживания населения. Для достижения этой цели будет достигнута экономия государственного бюджета за счет эффективного использования механизма государственно-частного партнерства.

Таблица 1

Общая площадь жилого фонда по регионам Республики Узбекистан
(в кв.м.)²

Годы	2010	2014	2018	2020	2021	2022
Регионы						
Всего по республике	427 729 515	466 182 968	521 244 564	548 995 771	636 414 295	658 356 976
Республика Каракалпакстан	25 093 793	28 910 734	35 100 834	31 542 222	32 290 012	33 562 992
Андижан	25 767 228	28 580 802	31 543 971	32 575 537	44 691 663	51 770 626
Бухара	24 684 099	25 875 368	29 948 385	33 639 423	34 374 879	34 644 151
Джизак	15 467 147	17 274 706	18 656 573	19 935 572	24 296 356	24 852 282
Кашкадарья	38 234 664	41 533 408	53 137 064	55 202 976	55 785 911	57 336 087
Навий	17 420 562	18 047 241	21 296 750	22 485 235	24 352 186	25 036 415
Наманган	33 014 799	41 044 972	41 333 559	46 887 180	49 275 478	50 263 760
Самарканд	45 030 757	49 561 202	56 751 521	59 259 326	78 362 017	79 206 796
Сурхандарья	28 600 076	30 721 057	32 240 064	33 891 683	37 747 577	37 932 073
Сырдарья	11 379 394	12 166 525	12 168 163	13 187 432	16 413 895	16 642 375
Ташкентская область	38 834 280	41 453 680	43 695 254	46 980 607	48 774 790	52 266 620
Фергана	43 572 929	44 453 514	48 661 561	49 539 913	80 806 234	81 727 057
Хорезм	38 514 788	40 042 180	43 516 418	45 729 366	46 360 163	46 776 597
г.Ташкент	42 114 999	46 517 579	53 194 447	58 139 299	62 883 134	66 339 144

По результатам анализа показателей общей площади жилищного фонда по регионам (см. табл.1), жилищный фонд нашей республики на 31.12.2022г. составит

2 Данные Агентство статистики при Президенте Республики Узбекистан, 2010-2023 г.г.

658,4 млн. м². По сравнению с 2010 годом в 2022 году общая площадь жилого фонда по республике увеличилась почти на 54 %. По состоянию на 01.01.2023г. обеспеченность жильем на одного человека в Республике Узбекистан составила 18,5 кв.м. Среди регионов самый высокий показатель отмечен в Хорезмской (24,1 кв.м.) и Навоийской (24,0 кв.м.) областях.³ А также, в 2021 году количество всех видов жилых квартир составит 7,14 млн., что по сравнению с 2010 годом, увеличилось на 77 % [3].

Состав жилого фонда представлен односемейные (одноквартирные) жилые дома отдельно стоящие на земельных участках, многоквартирными и блочными домами. Многоквартирные дома особенно распространены в городах, средний показатель износа которых, составляет 31,85%. На 01.01.2023г. количество квартир (включая индивидуальные дома) в стране составило 7 301,2 тыс. единиц, увеличившись на 154,0 тыс.ед., или на 2,2 %, по сравнению с прошлым годом (7 147,2 тыс.ед.).⁴

На сегодняшний день к повышению уровня жизни населения за счет эффективного управления многоквартирными домами в нашей республике приводят следующие проблемы:

экономические проблемы, связанные со стабильной и непрозрачной тарифной политикой в жилищной сфере. Единой методики определения тарифов на ЖКУ в Узбекистане не существует [4]. Также у собственников жилья недостаточно информации о механизме уплаты обязательных платежей и расчета тарифов;

неактивность и низкая ответственность собственников квартир в процессе управления многоквартирными домами. В соответствии с законодательством об управлении многоквартирными домами, собственники помещений не осведомлены о своих юридических обязанностях, в том числе о том, что не используют свое право на получение информации от управляющей организации о расходах на содержание общего имущества жилого дома;

управляющие сервисные компании не достигают ожидаемого результата. Система государственного контроля не рассматривает лицензионную практику управляющих сервисных компаний, в результате чего имеют место случаи нарушения управляющими сервисными компаниями прав собственников в регионах. Отсутствие ресурсов у надзорных органов не позволяет им осуществлять эффективный надзор;

несоблюдение принципа прозрачности и открытости в управлении многоквартирными домами. Отсутствие онлайн-платформы с загрузкой новых

3 В каком регионе показатель обеспеченности жильём самый большой? <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/44053-qaysi-xududda-aholining-uy-joy-bilan-ta-minlanish-darajasi-eng-yuqori-2>

4 Сколько квартир (домов) в Узбекистане. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/37699-o-zbekistonda-qancha-kvartira-uy-lar-mavjud-3>

данных, препятствует эффективному функционированию системы жилищно-коммунального обслуживания. В результате нашего исследования мы можем привести несколько примеров. Например, нерабочие сайты управляющих сервисных компаний, отсутствие информации о тарифах или устаревшая информация на сайтах некоторых управляющих сервисных компаний и т.п.;

низкая платежная дисциплина потребителей коммунальных услуг, что приводит к неблагоприятному финансовому положению управляющих сервисных компаний. Несмотря на то, что управляющие сервисные компании принимают все меры по взысканию задолженности, предусмотренные законодательством, дебиторская задолженность по коммунальным услугам по исполнительным листам по-прежнему актуальна [5];

нестабильность нормативно-правовых документов, наличие недостатков правового регулирования и правовых коллизий в сфере ЖКХ. В результате они препятствуют эффективному функционированию всех видов управленческих организаций.

Выводы и предложения

Непосредственными усилиями всех участников общественных отношений по управлению жилищным фондом достигается практическое решение вышеуказанных проблем. По результатам проведенных исследований по повышению эффективности управления многоквартирными домами можно сделать следующие выводы и предложения:

1. Министерству строительства и жилищно-коммунального хозяйства Республики Узбекистан разработать Методическую базу расчета тарифов на жилищно-коммунальные услуги, строго регламентирующую формирование цен (тарифов) в сфере жилищно-коммунальных услуг;

2. Формирование ответственного собственника в целях повышения ответственности собственников в содержании общего имущества, входящего в жилищный фонд, поощрение создания жилищных Советов из числа активных собственников, непосредственная и дистанционная организация обучающих семинаров специалистами и экспертами. В результате возможно повышение правовой грамотности собственников в сфере управления многоквартирными домами;

3. Усилить лицензионные требования к управляющим сервисным компаниям при управлении многоквартирными домами, усовершенствовать методику оценки их деятельности, а также усилить государственный контроль путем постоянного наблюдения за деятельностью управляющих организаций и создания оценочного рейтинга. В результате будут созданы условия для регулярного объявления управляющих сервисных компаний, работающих на основе лучших практик, на едином информационном портале, прозрачного конкурентного рынка, а также на рыночных принципах собственников общей собственности самостоятельного отбора стабильных управляющих сервисных компаний с высоким

рейтингом.

4. Разработка новых эффективных мер по работе с собственниками жилья в долг. Для этого необходимо усовершенствовать систему социальной защиты населения в части льгот, предоставляемых малоимущим, и детально регламентировать механизм их реализации.

Таким образом, необходимо создавать условия для здоровой конкуренции между управляющими организациями, формировать ответственного собственника, разумно усиливать контрольные функции государственных органов, искать новые формы государственно-частного партнерства, а также совершенствование законодательства в сфере управления многоквартирными домами позволяет повысить качество управления и удовлетворенность потребителей ЖКУ.

Литература:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022г. №УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы». <https://lex.uz/ru/docs/5841077>

2. Иваненко Л.В. Управление многоквартирными домами: современное состояние, проблемы, пути решения // Московский экономический журнал, №9, 2022 г. <https://qje.su/ekonomicheskaya-teoriya/moskovskij-ekonomicheskij-zhurnal-9-2022-19/>

3. **Ўзбекистон Республикаси** Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хузуридаги кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси маълумотлари. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/environment-2>

4. Berdieva D.A., Sanakulova B.R. Increasing The Effectiveness Of The Housing Finance Management Mechanism // International Journal of Advanced Science and Technology. Vol.29, No.8, (2020), pp. 3200-3204. ISSN:2005-4238 IJAST. Copyright 2020 SERSC.

5. Бердиева Д.А. Уй-жой фонди молиявий бошқарувида замонавий усуллардан самарали фойдаланиш // Журнал “Молия” №5, 2021й., ISSN 2010-9604, 119-126 бетлар.

6. В каком регионе показатель обеспеченности жильём самый большой? <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/44053-qaysi-xududda-aholining-uy-joy-bilan-ta-minlanish-darajasi-eng-yuqori-2>

7. Сколько квартир (домов) в Узбекистане. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/37699-o-zbekistonda-qancha-kvartira-uy-lar-mavjud-3>

ТУРИЗМГА ОИД МАТНЛАРНИНГ СТИЛИСТИК ИФОДА
ВОСИТАЛАРИ ДОИР

Исмаилова Лайло Хондамировна

UNIVERSITY OF BUSINESS AND SCIENCE

Хорижий тиллар кафедраси доцент в.в.б.Ph.D

E-mail: laylohonismailova@gmail.com

On the stylistic means of expression of texts related to tourism

Abstract

In this article, based on the different views of scientists about the text, the main criteria for the advertising text are discussed: information, definition, conveying the idea to the reader in an understandable and simple way. The article classifies the wide range of influence of tourist advertising, which is the object of current scientific research in world linguistics, as well as the fact that it is an important part of the country's economy and culture. It is considered as the main factor in the sharp increase in the scientific and practical importance of advertising research, and it allows to express the linguistic perceptions of tourists of different nationalities about the world.

Key words: stylistics, linguistic, grammatical, rhetorical, culture, metaphors, national tourism, tourist, image, linguoculturology

О стилистических средствах выражения текстов, связанных с туризмом

Аннотация: В данной статье на основе различных взглядов ученых на текст рассматриваются основные критерии рекламного текста: информативность, определенность, донесение мысли до читателя в понятной и простой форме. В статье рассматривается широкий спектр влияния туристической рекламы, являющейся объектом современных научных исследований в мировой лингвистике, и то, что она является важной частью экономики и культуры страны. резко возрастает научная и практическая значимость рекламных исследований, позволяющих выразить языковые представления туристов разных национальностей о мире, классифицированы лингвокультурологические

особенности туристской рекламы.

Ключевые слова: *стилистика, языковая, грамматическая, риторическая, культура, метафоры, национальный туризм, турист, образ, лингвокультурология*

Туризмга оид матнларнинг стилистик ифода воситалари доир

Аннотация

Ушбу мақолада, олимларнинг матнга нисбатан турли қараишлари асосида реклама матнининг асосий мезонлари: ахборот мазмуни, аниқлик, фикрни ўқувчига аниқ ва содда шаклда етказиши. Мақолада жаҳон тилишунослигида замонавий илмий тадқиқотлар объекти бўлган туризм рекламасининг кенг кўламли таъсири, унинг мамлакат иқтисодиёти ва маданиятининг муҳим бўғини еканлиги ҳақида сўз боради. реклама тадқиқотининг илмий ва амалий аҳамияти кескин ортиб, турли миллатга мансуб туристларнинг дунё ҳақидаги лингвистик тасаввурларини ифодалаш имконини беради, туристик рекламанинг лингвокультурологик хусусиятлари таснифланади.

Калит сўзлар: *стилистика, лисоний, грамматик, риторик, маданият, метафоралар, миллий туризм, сайёҳ, имидж, лингвокультурология*

Қириш. Сайёҳлик рекламаларидан кўзда тутилган мақсад - бу тилнинг тасвирий ва ифодали воситалари тизимидан унумли фойдаланиб, халқ маданиятини намоён этувчи туристик дестинациянинг жонли реклама тасвирини шакллантиришдир. Шунинг учун ҳам, бугунги кундаги аксарият сайёҳлик рекламаларида турли лисоний бирликлардан: фразеология ва сўзлашув тузилмаларидан кенг фойдаланилишини кузатиш мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги сайёҳлик рекламалари таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг тузилиши ва услубий хусусиятлари бир-биридан сезиларли фарқ қилиши мумкин. Бироқ лингвомаданий жихатдан анчагина фарқланади ва бу, албатта, табиий жараён. Ушбу бобда шу каби масалалар атрофлича таҳлил этилган.

Бизга маълумки, нутқ товушларининг ифодавий услубий функциясини фонетик стилистика ўрганади. Бу илмда улардан нутқнинг ифодалилигини ошириш ва ундан фойдаланиш йўллари тушунтирилади. Лексик стилистика сўз

ва унинг кўчма маъноларини, синоним, омоним, антонимлар каби бирликларнинг стилистик имкониятларини, шунингдек, услубий бўёқли сўзларнинг, ибораларнинг нутқда қўлланишини тадқиқ этади. Сўз шакллариининг услубий бўёғи, уларнинг транспозициясини, синонимларнинг маъно оттенкалари асосида юзага келувчи сўз коннотатив маъноларининг амалга ошиши ҳам шу билимга хос тушунча. Қўшимчалар ўртасидаги синонимлик эса, морфологик стилистика деб юритилади. Сўз бирикмаси ва гап синонимияси, гапда сўзлар тартибининг услубий роли синтактик стилистиканинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Субъектив мақсадлар асосида сўзнинг эмоционал-экспрессивлигини ошириш ёки ифодалашда фикрнинг таъсирчанлигини оширишда стилистик имкониятлар муҳим аҳамиятга эга. Сайёҳлик реклама матнларига хос бўлган лингвостилистик хусусиятларни аниқлаш дейилганда, сайёҳликка оид матнлар тилидаги эмоционалликни, жозибадорликни, оҳангдорликни тушунмоқ лозим.

Ҳар қандай матн каби реклама эълонлари матни ҳам барча ички элементлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва муаллифнинг нуқтаи назари билан маълум бир эстетик ва когнитив маълумотларни узатишга йўналтирилган бўлади. Реклама матни лингвистик воситалардан самарали фойдаланишнинг намунасидир, чунки мулоқот давомидаги муносабатлар деярли барча даражадаги тил бирликлари ёрдамида амалга оширилади. Реклама услуби кўп қиррали бўлиб, юқорида келтирилган журналистик, илмий, илмий-оммабоп, расмий услублар хусусиятлари билан, шунингдек, нутқий ва ишбилармонлик услубларини ҳам бирлаштириши мумкин. Ушбу меъёр ёки танлов реклама моҳиятидан келиб чиқади.

Кўплаб тилшуносларнинг нишонига айланган рекламанинг стилистик вазифалари ушбу ўринда муҳим аҳамият касб этади. Рекламанинг функционал ва услубий масалаларини кўриб чиқишда реклама матнининг, яъни тилининг хусусиятлари ва “реклама тили” тушунчасини чуқур англашимиз лозим. Рус тилшунослари Д.Э.Розенталь ва Н.Н.Кохтев «Реклама матнлари тили» қўлланмасида реклама тилининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашган. Уларнинг фикрига кўра, реклама тилининг бажарадиган асосий вазифалари – ахборот бериш ва ишонтиришдир. Тилнинг ва рекламанинг ўзига хослиги ва мақсадга мувофиқлиги таъкидланиб, реклама қилинаётган матнлар шакли, мазмуни жиҳатидан қисқа ва ишончли ҳамда мантиқан тушунарли бўлиши керак, дейилади [1].

Рекламанинг услубий ҳолатини таҳил этиш ҳам кўплаб қизиқишларга сабаб бўлмоқда. Лингвостилистика ўз ўрнида реклама хабарининг таркибини диққат билан ўрганишга ундайди. Туристик рекламанинг стилистик бўёқдорлигини аниқлаш, унинг лингвомаданий бирликларда намоён бўлишини ўрганиш бироз машаққатли.

Реклама тилини ёритишда тилнинг бошқа функционал-услубий турларининг хусусиятларига нисбатан реклама матнининг ўзига хосликларига оид низолар камроқ. Реклама уларнинг тизимига мослашмайди, балки уларнинг тил воситаларини олган ҳолда улардан реципиентларнинг реклама объектига бўлган муносабатини ўзгартиришда фойдаланади. Реклама тилида расмий иш услубидан фойдаланиш кам. Бунинг сабаби сифатида аудитория билан расмий мулоқот ўрнатишга интилиш йўқлигини кўрсатиш диққатга сазовор[3].

Реклама матнини яратувчилар матн яратишнинг барча имкониятларидан усталик билан фойдаланган ҳолда нафис услубда ҳам, аниқ содда тақдимотда ҳам афзалликларни топадилар

Наврўз байрамига мўлжалланган саёҳат



Ушбу реклама матни орқали юртимизнинг миллий байрами бўлган “Наврўз”ни тараннум этиш билан меҳмонлар нигоҳини тортишга ҳаракат қилинган, аниқроғи, сайёҳлик туризмини ривожлантириш назарда тутилган. Бунда “Наврўз - Шарқда янги йил” номли сарлавҳа танланган. Балки чет эллик сайёҳлар учун бизнинг одатлар ёт бўлиши мумкиндир, аммо кўпчилик сайёҳлар “Наврўз” шарқликларнинг янги йил айёми эканлигидан хабардор.

Шуни ёдда тутиш керакки, маълум бир троп ёки метафорадан ташкил топган реклама битта аудиторияга ижобий таъсир кўрсатишга хизмат қилиб, бошқа истеъмолчилар учун ёқимсиз ва тушунар-сиз ҳолатни юзага келтириши ва ўз-ўзидан реклама қилинаётган маҳсулот ёки хизматга нисбатан салбий фикр уйғотиб қўйиши мумкин. Демак, уларнинг кўмагидан тўғри фойдаланиш лингвомаданий жиҳатдан тўғри ифодаланишини талаб этади. Турли иборалар, имо-ишоралар, шунингдек, ранглар маъноси дунё

бўйлаб маъно ва мазмун жиҳатидан фарқ қилади. Бу борада кўплаб олимлар ўз фикрларини баён қилганлар: жумладан, Марк Тонсар ва Жеймс Мунч ўз мақоласида америкаликлар учун овоз чиқариб овқатни чайнаш кўпол одат бўлса, японияликлар учун бу меҳмоннавозликнинг белгиси эканини таъкидлаб ўтади[5].

Худди шу қоида турли маданиятлар учун реклама яратишда ҳам қўлланилади, бу жиҳатлар, асосан, туристик реклама эълонларини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, троплар рекламаларда эса қолиш имконияти билан бир қаторда, ишонувчанликка ҳам таъсир кўрсатиши исботланган.

Метафора сайёҳлик рекламалари тилининг жозибаторлигини таъминловчи стилистик воситалардан биридир. Сайёҳлар учун жозибали ва қизиқарли бўлган тасвирини яратишда ушбу стилистик воситанинг ўрни беқиёсдир. Метафора сайёҳнинг диққатини тортиб, унинг хаёлидан ўрин олиши мумкин. Ундаги ҳиссиётга бойлик ва баҳоловчи хусусиятлар адресатнинг онгига таъсир кўрсата олиши аниқ. Бу орқали сайёҳларнинг дидига таъсир кўрсатиш ва кутилмаган қарорлар қабул қилишга шароит яратиб бериши мумкин. Метафора реклама тузишда энг оммалашган стилистик воситалардан бири бўлиб, у кундалик ҳаётимизнинг бир бўлагига айлангани ҳақиқат. Шунингдек, метафора реклама эълонларини оммага етказишдаги энг самарали ифода воситаларидан бири ҳам. Тўғри қўлланган истиора реклама қилинаётган маҳсулотнинг сотувдаги муваффақиятини белгилаб беради. Когнитив тилшуносликнинг ривожига ҳамда Лакофф ва Жонсонлар(1980) томонидан чоп қилинган «Metaphors We Live By» асари “метафора” тушунчасининг маъносини тубдан ўзгартирди. Когнитив тилшунослар тилшунослик таҳлилига концептуал ёндашадилар. Улар лингвистик билимлар - маъно ва шаклни билиш, асосан, концепция сифатида тузилишга эга дея ҳисоблайдилар. Кўплаб инсонлар томонидан ғайриоддий тил шакли бўлиб тушунилган метафоралар борасидаги фикр юқоридаги китобнинг чоп этилиши билан буткул ўзгарди. Фақатгина адабий тилга оид бўлган ва асарга жило бериш учун фойдаланиладиган безак сифатида ўрганилган истиора санъати Лакофф ва Жонсоннинг асарида моҳирона ишлатилгани сабаб, инсонлар томонидан кундалик ҳаётдаги воқеа- ҳодисаларни ўрганувчи жараён сифатида янгича услубда намоён бўлди. Улар хулоса қилиб шундай ёзадилар: “Қисқаси, метафора – бу табиий ҳодиса”. Концептуал метафора инсон тафаккурининг табиий қисмидир, лингвистик метафора эса, инсон тилининг табиий қисмидир. Қуйидаги мисоллар

орқали рекламадаги стилистик воситаларни таҳлил этайлик:

From the colourful leaves to the granite cliffs and trails around every corner, if you take a trip to New England with us, you'll find an outdoor paradise just waiting to be explored. (Агар сиз биз билан Нью-Англияга саёҳат қилсангиз рангли япроқлардан тортиб, ҳар бир бурчак атрофидаги гранит қояларга ва йўлларга қадар, шунчаки тадқиқ этилишини кутаётган очик жаннатни топасиз[6]. Ушбу мисолда Янги Англиянинг табиати, атроф-муҳити, гўзаллиги ер юзидаги “жаннат”дек таърифланган. Бу тасвирий восита орқали ушбу дестинациянинг табиати ўта гўзал эканлиги “жаннат” сўзи орқали ифодаланган. Бу сўз орқали инсонлар, одатда, беқиёс гўзал афсонавий боғни хаёлларга келтирадидлар. Бу реклама сайёҳларнинг онгига аффирматив усулда унумли таъсир кўрсатади.

If you're looking for some glitz and glamour then look no further! Soak up San Frans' uber-cool vibe. Hit the highway to the Grand Canyon and Hoover Dam, a Wonder of the World guaranteed to impress. The pace picks up as you enter Nevada and hit dazzling Vegas. In Los Angeles rub shoulders with the stars and drive over the hills. Remember to get your photo by Hollywood's famous sign! (Агар сиз биров жоло ва гламур излаётган бўлсангиз, уни излашдан тўхтанг! Сан Францнинг ишониб бўлмас борлигини ўзингизга сингдилинг! Сиз, албатта, таассурот қолдирувчи дунёнинг мўъжизаси Гранд Канён ва Гувер плотинасига йўл олинг. Сизнинг Невадга киришингиз ва сержило, кўзни қамаштирувчи Вегасга урилишингиз билан тезлик ошади. Лос Анжелесда юлдузлар билан суҳбатлашинг ва адирлар бўйлаб саёҳат қилинг. Голливуднинг машҳур белгиси ёнида расмга тушишни ёдингиздан чиқарманг!) Ушбу эълонга эътибор қаратайлик, унда Лос Анжелес шаҳрининг эътиборга молик жойлари тасвирланган. Сайёҳларни жалб этишда бир нечта усуллардан фойдаланган ҳолда сўнгги гап маслаҳат тарзида яқунланиши сайёҳни ҳаракатга ундовчи оҳангни яратади. Стилистик бўёқдор сўзлардан бири – бу “юлдуз” сўзи бўлиб, унда Голливуднинг машҳур ижрочилари “юлдуз” сифатида таърифланган[7]. Дестинацияга оид сайёҳлик эълонларида кўп учрайдиган ҳолат бу машҳур манзиллардан самарали фойдаланилиш бўлиб, ушбу мисолда Голливуднинг белгисини эслатиш орқали бу усул ҳам ўринли ишлатилган.

The Windy City, the Heart of America and the City by the Lake. Chicago has many names and much to offer anyone who visits its streets, sights and venues. With great music, great food and fantastic shopping experiences around every corner, Chicago will welcome you in and give you a holiday to treasure.

(Шамолли шаҳар, Американинг юраги ва кўл бўйидаги шаҳар. Чикагонинг номлари бир қанча бўлиб, унинг кўчалари, кўриниши, диққатга сазовор жойларига ташриф буюрувчиларга таклиф қилувчи нарсаси жуда кўп. Ҳар бир бурчакдаи ажойиб мусиқа, ажойиб таом ва фантастик харид қилиш тажрибалари билан Чикаго ўз бағрига олади ва хазиналар айёмини тақдим қилади). Ушбу реклама эълонида Чикаго шаҳрининг гўзаллиги ҳамда кўнгилочар жойларга бойлиги таъкидланиб, уни “Американинг юраги” дея таърифланади. Маълумки, юрак инсоннинг энг муҳим аъзоси бўлиб, у жуда катта вазифани бажариб беради. “Американинг юраги” ибораси орқали метафора стилистик воситасидан фойдаланган ҳолда Чикаго Американинг энг муҳим шаҳри деган маъно англатилмоқда. Табиғики, бу реклама эълонини ўқиган сайёҳларда ушбу шаҳарни кўриш иштиёқи янада кучайиб боради.

- Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кундаги аксарият сайёҳлик рекламаларида лисоний бирликлардан кенг фойдаланилади. Бу эса, ўз навбатида, халқ маданиятини намоён этувчи туристик дестинациянинг жонли тасвирини шакллантиради. Сайёҳлик рекламалари тилига хос бўлган лингвостилистик хусусиятларни аниқлаш деганда, сайёҳликка оид матнлар тилидаги эмоционаллик, жозибадорлик ва оҳангдорликни тушуниш лозим. Мулоқот давомидаги муносабатлар барча даражадаги тил бирликлари ёрдамида амалга оширилгани сабабли ҳам биз реклама матнини - лингвистик воситалардан самарали фойдаланиш намунаси дейишимиз мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. Розенталь, Д. Э. Язык рекламных текстов. – М.: Высш. шк., 1981. – С.27
2. Куликова, Е. В. Рекламный текст: лингвистические приемы выразительности // Вестник Нижегородского университета им. Н. И. Лобачевского, 2009. – № 6 (2), – С. 276–282. URL: <http://cyberleninka.ru/article/n/reklamnyy-tekst-lingvisticheskie-priemy-vyrazitelnosti> (дата обращения: 17. 03. 2017)
3. Мартинович Е. А. Рекламный текст в аспекте проблемы функционального стиля // Вестник ЧелГУ. 2012. № 21(275). – С. 81-85
4. <https://www.travelnation.co.uk/tailor-made-holidays/europe-uk-campervan-holidays>
5. Toncar M., & Munch J. M.). Consumer Responses to Tropes in Print Advertising. Journal of Advertising, 2001. – P. 55–65. Google Scholar

6. <https://www.barrheadtravel.co.uk/worldwide/usa/new-england>
7. <https://www.barrheadtravel.co.uk/worldwide/usa/chicago>
8. https://www.tripadvisor.com/AttractionProductReview-g293968-d18750070-Along_The_Caravansaray_Trail-Tashkent_Tashkent_Province.html
9. https://www.tripadvisor.com/AttractionProductReview-g293968-d18750070-Along_The_Caravansaray_Trail-Tashkent_Tashkent_Province.html
10. Поликарпова Е.В. Гиперболические высказывания в современном немецком языке / Гос.ком. СССР по нар. образованию. Моск. гос. пед.ин-т им. В.И. Ленина. – М., 1989. – С.45.
11. О‘zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000.

Мухтор Худойкулов

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақола илмий-ўқув жараёнига кириб келаётган янги ижтимоий-сиёсий фан бўлмиш медиалогия ва оммавий ахборот воситаларининг ички қонуниятларини ўрганувчи журналистика назарияси фанининг ўзаро муносабати, ўзига хослик ва уйғунлик хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Калит сўзлар: Журналистика, культурология, массмедиа. матбуот, медиа, медиалогия, медиатекст. медиаменеджмент, оммавий ахборот воситалари.

ANNOTATION. This article is devoted to the study of the interaction, uniqueness and harmony of medialogy, a new socio-political science that is entering the scientific-educational process, and the theory of journalism, which studies the internal laws of mass media.

Key words: Journalism, culturology, mass media, press, media, medialogy, mediatext, media management.

Медиалогия фани XX аср охирлари ва XXI аср бошларида вужудга келган янги ижтимоий фандир. Бу терминни француз олими Р. Дебре 1990 йилда билим ва анъаналарни, яъни маданий кадриятларни етказувчи таълимот сифатида биринчи бўлиб тилга олган эди. Мазкур атаманинг ўзаги бўлмиш медиа сўзи асли лотинча бўлиб ўрта, ўртада турувчи, воситачи деган маънони билдиради. Ҳозирга келиб эса бу атаманинг мазмуни янада кенгайиб оммавий ахборот ва коммуникация, яъни алоқалар тизими воситаси деган маънони ҳам билдиради. Массмедиа термини эса оммавий ахборот воситаларининг йиғиндиси маъносига эгадир. Массмедиа терминини биринчи бўлиб немис сиёсатшуноси Магнус Энциенбергер медианинг оммалашуви маъносида ишлатган Аммо бу терминни оддий оммавий ахборот воситаларининг йиғиндисигина деб бўлмайти, балки у кенгрок маъно беради. Яъни массмедиа оммавий ахборот воситалари – босма матбуот аудио-визуал – радио телевидение, интернет, китоб нашриётларидан ташқари фотосурат, кино каби тушунчаларни ҳам ўз ичига олади. Массмедиа термини шу билан бирликда оммавий ахборот воситалари йиғиндиси тушунчаси сифатида ҳам ишлатилиб ўзбек тилида медиамакон сифатида қўлланилади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки медиалогия оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий моҳияти, унинг

чуқур ички қонуниятларини ҳам ўрганади. Бу жиҳатдан у журналистика фани билан бирлишиб, уйғунлашиб кетади. У худди журналистика сингари оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни, моҳияти, ички қонуниятлари, пайдо бўлиш ва ривожланиш тенденциялари, ҳозирги замон инсоният ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳам ўрганади. Медиалогиянинг предмети медиамаконда медиамаданиятнинг келиб чиқиш ва ривожланиш тамойиллари, ижтимоий фаолияти, жамиятдаги ўрни ва жамият ҳаётига таъсири ҳисобланади ва ушбу медиамаданиятнинг марказида журналистика – оммавий ахборот воситалари туради. Унинг объекти эса массмедиянинг турли кўринишлари ва ҳозирги замон воқелигида юз бераётган ижтимоий ҳодисалар жараёни ҳисобланади. Образли қилиб айтганда медиалогия инсоният жамиятининг медиамаконда олаётган ижтимоий нафаси, медиамаконнинг унинг ҳаётига таъсири, жамиятда медиамакон билан боғлиқ ҳолда юз бераётган ижтимоий воқеа ва ҳодисалар ва бошқалардир. Бу масалалар журналистика фанига ҳам тегишли бўлиб ҳар иккала фанни бир-бирига яқинлаштиради.

Мазкур фаннинг энг муҳим масалаларидан бири глобал мелиомаконда медиамаданиятнинг турли хиллиги ва турли халқлар, мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлигини ҳам ўрганишдир. У илмий соҳа сифатида ўзининг ички илмий тушунча ва қонуниятларига, ўз атамалар ва тушунчалар тизимига эгадирки буларнинг бари ахборотлашган жамият тараққиёти билан боғлиқдир ва унинг марказида оммавий коммуникациялар туради.

Маълумки медиалогия культурология фани билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Культурология инсоният маданиятини ўрганадиган фандир. Культура сўзи латинча ишлов бериш, етиштириш, тарбия бериш деган маънони билдиради ва логос атамаси эса юнонча маълум сабаб бўйича юритилган фикр деганидир. Бинобарин культурология – ўзбекчасига маданиятшунослик инсоният томонидан яратилган барча маданий воситалар – моддий ва маънавий маданият, яъни санъат, театр, кино ва бошқаларни ўрганади, масс-медиа, яъни оммавий ахборот воситалари ҳам шулар қаторига киради.

Медиалогия фани медиафилософия фанининг таркибий қисмига киради. У массмедиа, яъни медиамаконнинг ички, фалсафий хусусиятларини ўрагандади. Мазкур фан XIX аср охири ва XX аср бошларида европалик олимлар Рудольф Фитс ва Франк Хартманлар томонидан ишлаб чиқилди. Мазкур фан медиамаконнинг ички қонуниятлари, моҳияти, жамият билан алоқаси, ҳозирги

глобаллашув давридаги аҳамияти ва бошқа илмий-фалсафий масалаларни ўрганеди. Журналистика назарияси, яъни оммавий ахборот воситалари ҳақидаги фаннинг ўзаги ҳам ушбу масалаларга бориб тақалади.

Медиалогия фани шу қадимги замонлардан бери иш кўриб келаётган фалсафа, тарих, жамиятшунослик, филология ва бошқа ижтимоий фанлар билан ҳам яқин алоқада бўлиб келади. Журналистика назарияси ҳам ўз навбатида ушбу тарихан шаклланиб ва тобора ривожланиб бораётган фанларга таянади.

Кўриниб турибдики, медиалогия фани асосан медиамаданият ва унинг фаолиятини тадқиқ қилади. Медиамаданият эса юқорида айтиб ўтганимиздек

техника ва ижоднинг синтези, яъни бирлашмасидан иборатдир. Яъни у замонавий техник усуллар билан ёзув, овоз ва тасвирни оммага етказиб беришдир. Демак, медиамаданият инсониятнинг сўзлар, овоз, тасвир ва уларнинг техника воситасида уйғунлашуви натижасида оламни билиши, англаши ва унга ўз муносабатини ишлаб чиқишидир. Яъни у инсониятнинг тарихий-маданий ривожланиши натижасида ишлаб чиқилган ахборий-алоқа мажмуи бўлиб шахснинг ижтимоий онги ва жамият ҳаётидаги фаоллигини шакллантиришга хизмат қилади.

Медиамаданиятнинг турли функциялари мавжуддир. Улар – инфорацион-ахборий, коммуникатив – инсоннинг бошқа инсонлар ва жамият билан алоқада бўлиши, ижтимоий, яъни инсоннинг жамият ҳаётига аралашуви ва унинг нормаларига риоя қилиши, релацион, яъни инсоннинг ўзича ҳордиқ чиқариши – китоб ўқиши, тамошалар кўриши, креатив – яъни инсоннинг медиамаданият воситалари ёрдамида жамият ҳаётига фаол аралашуви, интеграцион, яъни инсонлар, халқлар, миллатлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг йўлга қўйилиши, воситачилик – яъни шахс билан бошқа гуруҳлар, жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлаш ва бошқалардир. Бу функциялар бевосита оммавий коммуникация, яъни медиа воситалари учун ҳам тегишлидир. Шу билан биргаликда биз журналистика функцияларини жамият ҳаёти ҳақида хабар бериш, сўз, овоз, тасвир ёки уларнинг жамламаси билан акс эттириш – қисқача қилиб айтганда – тасвир, бу воқеа ва ҳодисаларнинг ағамиятини, туб моҳиятини очиб бериш – таҳлил ва жамиятга бевосита ҳамда билвосита таъсир кўрсатиш – таъсирдан иборат деб биламиз, бу тушунчаларнинг барчаси медиалогия фанига ва у тадқиқ этадиган медиага ҳам тегишлидир.

Медиалогия фанида медиасемиотика, яъни тиллар ҳақидаги фан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маълумки медиамаконда тил масаласи муҳим ўрин тутади. Сўзлардан тузилган ва тугал маъно берувчи гап ҳамда гаплардан ташкил топган матн муҳим аҳамият касб этади. У тадқиқ этувчи тиллар ҳақидаги тушунчалар ва қоидалар, қисқача қилиб айтганда медиа текст бевосита медиа – оммавий ахборот воситалари тили билан ҳамоҳангдир. Яъни медиалогия фанининг объекти бўлган медиа, унинг муҳим қисми бўлган массмедиа, яъни оммавий ахборот воситалари фаолиятида сўз ва уларнинг бирлашмасидан ташкил топган матнлар, яъни медиатекст унинг асосини ташкил этади.

Медиатекст инсониятнинг тарихий шаклланиши ва у яратган маданиятнинг тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Европалик олим М.Малюэн инсоният тамаддуни ва шу жумладан медиамаданият тарихининг тўрт даврини кўрсатиб ўтади. Улар: 1-ёзув пайдо бўлган пайтгача бўлган жоҳилият даври, 2- фонетик ёзув мингйилликлари, 3- Гуттенберг ихтироси, 4-Маркони ихтиросидан иборатдир. Биз бу рўйхатга 5- Интернетни қўшиб қўямиз. Буларнинг ҳаммасида тил, сўз, матн, овоз, тасвирли овоз муҳим ўрин тутади. Сўз ва текстнинг такомиллашуви, уларни ёзиб олиниши ва сақланиши, оммага етказилиши медиамакон фаолиятида табора муҳим ўрин тутиб келмоқда. Бу борада китобнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши ҳам инсоният тамаддунининг риожига жуда катта ҳисса қўшди ва қўшиб келмоқда.

Медиалогияда медиасиёсат ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Медиасиёсат доимо жамиятни бошқаришда, инсонлар онгини шакллантириш ва уларнинг жамият ҳаётида қол, оқиллик билан иштирок этишларида муҳим ўрин тутади. Халқаро маданий ишлар билан шуғулланувчи ташкилот ЮНЕСКОнинг “Ахборотлаштирилган жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳақидаги Декларациясида ин-формацион коммуникацион технологияларга юқори баҳо берилиб, уларни ахборотлаштирилган жамият қуришдаги муҳим ҳаракатлантирувчи куч эканлиги таъкидланган. Бу масалалар журналистика фанининг объекти бўлган оммавий ахборот воситалари учун ҳам тегишлидир. Маълумки журналистика, яъни оммавий ахборот воситалари жамиятда қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларидан сўнг тўртинчи ҳокимият ҳисобланди ва юқоридагилар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Информация олиш ва тарқатиш эркинлиги, матбуот эркинлиги ҳамиша жамияда энг муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Ўзбекистон Конституциясининг 67-моддасида “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қо-

нунга мувофиқ ишлайди... Цензурага йўл қўйилмайди”, деб таъкидлаб ўтилган ва бунга оғишмай амал қилиб келинмоқда. Кўриниб турибдики медиалогия фанининг асоси бўлган массмедиада сўз ва матбуот эркинлиги муҳим ўрин тутади.

Медиалогиянинг асоси бўлган оммавий медиа ўз фаолиятида маълум принцип – тамойилларга асосланади. Бу журналистика назарияси фанида баён этилган умуминсонийлик, халқчиллик, ҳаққонийлик каби қоидалардир. Бинобарин оммавий медиа ўз фаолиятида мазкур тамойилларга амал қилган тақдирдагина ўз функцияларини адо эта олади.

Медиалогия фанида жамоатчилик фикри ҳам муҳим ўрин тутади. Маълумки жамоатчилик фикри жамиятдаги кишиларнинг унда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга муносабатини билдирувчи оммавий онг ҳолати бўлиб баоловчи, назарат қилувчи ва мажбур этувчи функцияларни амалга оширади. Оммавий ахборот воситалари доимий амал қилиб келаётган бу қоидалар оммавий медианинг бошқа кўринишлари учун ҳам тегишлидир. Медиалогия шунингдек журналистика назариясида мавжуд бўлган анъанавийлик ва янги омиллар қонуниятига ҳам амал қилади.

Медиалогия фанида медиапедагогика ҳам муҳим ўрин тутади. Бу эса бир томондан медиа материалларидан фойдаланишни ёшларга ўргатиш билан бир қаторда медиамаданият ходимларини тайёрлаш ва уларга медианинг ички қонуниятларини ўргатиш, журналистиканинг турли соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлашдан иборатдир. Медимаконда фаолият кўрсатадиган журналист кадрларни тайёрлаш бутун дунё миқёсида олиб борилади.. Бу билан асосан юқори даражадаги олий ўқув юртлари – университетлар шуғулланадилар. Республикамизда ҳам юз йиллар давомида журналист кадрлар тайёрлаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Бу жиҳатдан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети муҳим ўрин тутади. Бу олий ўқув даргоҳида 1947 йилда тузилган журналистика факультетида неча минглаб етук кадрлар билим олдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультети ҳам анчадан буён фаолият кўрсатиб халқаро журналистлар тайёрлаб келмоқда. Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг очилиши ҳам бу борада муҳим янгилик бўлди. Бу даргоҳда кўплаб бўлгуси журналистлар медиамаконнинг турли соҳаларини ўрганмоқдалар.

Медиалогия фани ўрганадиган муҳим соҳалардан бири медиаменеджментдир. Мамлакатимиз миллий мустақиллик даврига қадам босгани ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётда амалга оширилган кўпгина ислохотлар, бозор иқтисодиётига ўтиш бошқа соҳалар қаторида медиамаконда ҳам муҳим масалаларни кўндаланг қилиб қўйди. Шулардан бири менеджмент тушунчаси бўлиб, бу медиа маҳсулотларини чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ масаладир. Яъни, эндиликда медиамаконнинг газета, журнал, радио, телекўрсатувлар, ахборот агентликлари, китоб нашриётлари, интернет каби кўринишлари ўз маҳсулотларини тайёрлаш ва оммага етказиб беришда бозор иқтисодиёти талабларига бўйсунушлари шарт бўлиб қолди. Бу масала эса менежмент деб аталади ва у ҳар медиамаҳсулотнинг тайёрланишидаги сарф-харажатлар ва уларни оммага етказиш, қисқача қилиб айтганда сотиш муаммосини ҳал этишлари лозим. Газеталар, журналлар, китоб нашриётлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар тўғридан-тўғри сотиш орқали иш юритсалар, радио, телекўрсатувлар, интернет сингари медиамаҳсулотлар эса кетган харажатларни қоплаш орқали реклама ва эълонлар тарқатиш билан қоплашлари мумкин. Бунда эса харидорларни аниқлаш, реклама бериувчиларни жалб этиш сингари иқтисодий омиллар муҳим ўрин тутади. Буларнинг барчаси медиаменеджментлик орқали амалга оширилади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики медиалогия фани ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган медиамакон – оммавий ахборот воситаларининг моҳияти, туб ички қонуниятлари, функция ва тамойилларини ўрганувчи журналистика назарияси фани билан чамбарчас боғлиқдир. Бу фан Журналистика университетлари магистрлари учун асосий фанлардан бири ҳисобланади. Бу фанни ўқитишдан мақсад –“жамият, медиа, шахс” учлигининг ўзаро алоқалари, ахборот-коммуникация тизимининг глобаллашуви шароитида медианинг тарихи, медиамаданият назарияси ва амалиётини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат бўлиб, бу вазифани бажаришда журналистика назарияси билан ҳамкорликда иш кўрилади.

Асосий адабиётлар:

1. Кириллова Н.Б. Медиалогия. Москва, Академический проект, 2015. 380 с.
2. Кириллова Н. Б. Медиакультура: теория, история, практика. М. : Акад. проект, 2008. 496 с.

3. Кириллова Н.Б. Медиалогия как синтез наук. - М.: Академический проект, 2013. - 368 с.

4. Маклюэн М. Понимание медиа: внешние расширения человека. - М.: Жуковский, 2003. - 464 с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон Конституцияси. Тошкент 2023.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 29 б.

3. Дебре Р. Введение в медиалогияю. Пер. с франц. Б. М. Скуратова. - М.: Праксис, 2010. 368 с.

4. Введение в теорию журналистики: Учеб.для студентов вузов, обучающихся по направлению и специальности «Журналистика»/Е.П. Прохоров. М.: Аспий Пресс, 2003.

5. М.Худойқулов. Журналистика ва публицистика. Т., “Тафаккур”,2013.

PR TAKTIKALARNING QO‘LLANILISHIDAGI MUAMMO VA YE- CHIMLARI

O‘zbekiston jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti
To‘g‘on va Qudrat Ernazarovlar nomidagi Jamoatchilik bilan aloqalar
kafedrası stajyor-o‘qituvchisi
Qahharova O‘g‘iloy Norchayevna

Annotatsiya: Hozirgi globallashgan sharoitda axborot texnologiyalari bilan birgalikda PR-taktikalardan ham keng ko‘lamda foydalanib kelinmoqda. Har bir tashkilotda bo‘lgani kabi, Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligi tomonidan qo‘llanilayotgan PR texnologiyalar, taktikalar ham inqirozli vaziyatlarda juda katta ahamiyatga ega bo‘lib bormoqda. Shu sababli ushbu maqolada bugungi vaziyatda vazirlik tarafidan qo‘llanilayotgan PR taktika va texnologiyalariga to‘xtalib o‘tiladi. Misollar yordamida qo‘llanilgan PR texnologiya va taktikalarga alohida e‘tibor qaratilmoqda.

Kalit so‘zlar: PR texnologiyalar, PR taktikalar, PR, Axborot xizmati, Oliy ta‘lim muassasalari.

Bugungi kunda axborot xizmatlari sohalari yanada rivojlanib, har bir sohada yangilik va jamoatchilik bilan aloqalar kengayib bormoqda. Shu bilan birga bugun axborotga bo‘lgan ehtiyoj har qachongidan ham ko‘p. Uni qayerdan olish, ishonchligi har narsadan muhim va dolzarb bo‘lib bormoqda. Har qanday tashkilotda axborot xizmatlari mavjud bo‘lib, ular faoliyatida ro‘y bergan axborotlarga tezkorlik bilan munosabat bildirish ham muhim. Bugungi kunda axborot xizmatlari faoliyatida ham katta o‘zgarishlar ro‘y berib, ular turli PR-texnologiyalar, taktikalar bilan jamoatchilik fikrini o‘zgartirish, to‘g‘ri yo‘naltirishga qaratilgan texnikalardan foydalanib kelishmoqda.

PR taktikalar bugungi kunda turli ko‘rinishlarda namoyon bo‘lmoqda. Ushbu taktikalar jamoatchilikni kompaniya faoliyatiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatib kelmoqda.

PR taktikalar- Jamoatchilik bilan aloqalar (PR) taktikasi tashkilotni targ‘ib qilish va mijozlar bilan muloqot qilish uchun foydali vositadir. Jamoatchilik bilan aloqalar bo‘yicha mutaxassis sifatida siz brend xabardorligini oshirish va tashkilot obro‘sigapur yetkazadigan muammolarga samarali javob berish uchun bir qator PR taktikalardan xabardor bo‘lishni taqozo etadi. Jamoatchilik bilan aloqalarda doimiy ravishda, mijozlar siz va biz yaratgan PR taktikalaridan mohirona foydalanishimizni xohlashadi, ularni shu

1 O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 27.06.2019 yildagi PQ-4366-son O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 27.06.2019 yildagi PQ-4366-son

orqali qoyil qoldirishimizga ishonib ham qolishadi. Har qanday PR mutaxassisni ishga oluvchilar ham taktika va texnologiyalardan mahorat bilab foydalana olish qobiliyatimizga qarab, boshqa nomzodlar ichidan saralab olinishimizga ham sababchi bo'lishadi.²

Hech shubha yo'qki, taktika, texnologiya biznes, brendlar va auditoriyaning bir-biriga munosabatini o'zgartirdi. Natijada, o'tmishda natija bergan ko'plab jamoatchilik bilan aloqalar taktikasi eskirgan. Yaxshiyamki, ulardan ba'zilari hali ham dolzarb - va siz ularning eng yaxshi namunalarini ko'rish arafasidasiz. Eng yaxshi PR taktikasini qo'llash har qanday tashkilot uchun, shu jumladan sizning ijodiy o'sishingiz uchun imkoniyatlar vulqonini yuzaga keltiradi. Bu bilimlar - auditoriyaningiz bilan mustahkam aloqa o'rnatish, brend xabardorligini oshirish, mijozlarning sodiqligini va obro'yingizni oshirish imkonini beradi.

PR taktikalarning eng samara beruvchi 6tasi bilan tanishtirib o'taman.³ Birinchi navbatda, eng yaxshi taktika Press-reliz, mahalliy telekanallar va ommaviy axborot vositalarini nishonga olish, vaqti-vaqti bilan PR zarbalar berish, uchrashuvlar tashkil etish va jamoat tadbirlarida ishtirok etish, ijtimoiy media platformalaridan foydalanish, ta'sir qiluvchilar bilan hamkorlik qilish, tashkilot atrofida qandaydir bahs-munozaralarni yaratishkabilar misol bo'ladi.

Press-relizlar-Nielsen tadqiqotiga ko'ra, iste'molchilarning 92 foizi ommaviy axborot vositalariga ishonishadi. Sizning brendingiz jurnallarda, yangiliklar nashrlarida, veb-saytlarda, bloglarda va boshqa nashrlarda namoyish etilsa, bu odamlarning brendingizga bo'lgan ishonchini oshiradi.

OAV bilan bir-biringizni tushunish vositasi esa press-reliz. Unda asosan, sizning tashkilotingiz, muayyan voqea, muhim bosqich yoki mahsulot taqdimoti, kompaniyadagi o'zgarishlar, so'nggi hisobot, umuman olganda yangilik va qiziqarli tub burilishlar haqida bayon etilishi kerak. Bu jurnalistlarning, ular orqali ommaning xabardorligini oshirishga yordam beradi va bu jarayonda odamlarni veb-saytingizga jalb qiladi.

Mahalliy ommaviy axborot vositalari darajasida raqobat kamroq va yangilikka arziydigan bo'lish uchun favqulodda hikoyaga ega bo'lishingiz shart emas. Mahalliy auditoriyani zabt etish ham arzon, ham tez effekt beradigan taktikadir.

PR-zarba samarali bo'lishi uchun u ijodiy va aqlli bo'lishi kerak.

Ommaviy axborot vositalarida yoritish va keng jamoatchilik e'tiborini jalb qilish uchun u chegaralarni bosib o'tishi va qandaydir tarzda tendentsiyaga qarshi chiqishi yoki stereotiplarni buzib tashlashi kerak.

Biroq, yetkazadigan xabarni tanlayotganda, u sizning brend identifikatoringizni

² <https://www.indeed.com/career-advice/career-development/pr-tactics#:~:text=What%20are%20PR%20tactics%3F,relationship%20with%20its%20customers%20base>

³ O'sha manba

ma'lum darajada aks ettirishiga ishonch hosil qiling.

Ushbu PR taktikasining yaxshi namunasi? Ilon Maskning vazifasi odamlarni Marsga tashish ekanligini hamma biladi, biroq SpaceX o'zining so'nggi raketasi Falcon Heavy qizil Tesla Roadsterni orbitaga uloqtirganida, OAV va butun dunyo hayajonga tushib ketdi. Kosmosga avtomobilni uchirish aynan shunday aqldan ozgan, innovatsion va o'ziga xos g'oya bo'lib, odamlarni e'tibor berishga majbur qildi.

Tadbirlar o'z brendingizni targ'ib qilish, sohangizdagi muhim o'yinchilar bilan aloqa o'rnatish va maqsadli auditoriyangiz bilan muloqot qilishning ajoyib usuli hisoblanadi.

Jamiyatingizdagi boshqa brendlar tomonidan uyushtiriladigan tadbirlarga hissa qo'shish va ishtirok etish ham o'z samarasini beradi. Buning eng oson yo'li – o'zingizga ma'lum bo'lgan mavzularda gapirish, panel muhokamalarida savollar berish yoki ma'lumot stendini o'rnatish. Bu kabi ishlarni qilish sizga ko'proq ko'rinishga ega bo'lishga yordam beradi.⁴

O'zining PR strategiyasiga jiddiy yondashadigan har qanday brend o'z auditoriyasi bilan muloqot qilishni yaxshi ko'radigan ijtimoiy media platformalarida mavjud bo'lishi kerak. Ushbu PR taktikasidan maksimal darajada foydalanib siz ijtimoiy tarmoqlarni tinglash vositalaridan foydalanishingiz va odamlar sizning brendingiz, mahsulotingiz va xizmatlaringiz haqida real vaqtda nima deyayotganini kuzatishingiz va shunga muvofiq harakat qilishingiz mumkin. Xabarlarga javob berish va shikoyatlar yoki muammolarni imkon qadar tezroq hal qilish orqali mijozlarga ajoyib xizmatni taklif qilish ham yaxshi amaliyotdir. Ushbu taktikaga yorqin misol: 2017-yilda Orchard Pig Twitterdan foydalanib, yilning eng tushkun kuni bo'lgan Moviy dushanba kuni odamlarga ijobiy kayfiyat bag'ishlash va tabassum qilish uchun yaratilgan #AsHappyAsAPig kampaniyasini o'tkazdi.⁵

Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, odamlarning 92 foizi haqiqiy brendlarning reklamlari va xabarleri bo'yicha boshqa odamlarning tavsiyalariga ko'proq ishonishadi. Kompaniyalarning 51% dan ortig'i ta'sir qiluvchi marketing orqali boshqa vositalarga qaraganda yaxshiroq natijalarga erishganini va ta'sir qiluvchi marketingga sarflangan har bir dollar evaziga 20 dollargacha ko'tarilishini xabar qilgan. O'z joyingizdagi yoki qadriyatleri siznikiga mos keladigan bloggerlar, ekspertlar, fikrlovchi yetakchilar va boshqa nufuzli shaxslarni qidirib toping va ular bilan aloqa o'rnatish orqali brendingizni targ'ib qilishga undang.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, har qanday to'g'ri qo'llanilgan PR taktikalar o'z samarasini tezda beradi. Ulardan faqatgina joyida foydalanish imkonini beradi.

4 <https://prlab.co/blog/how-to-create-a-pr-strategy-with-tactics-and-examples/>

5 <https://ahrefs.com/blog/pr-tactics-examples/>

Bugungi kunda har qanday tashkilotda to‘g‘ri va aniq ishlayotgan PR menejer tarafidan turli ziddiyatli jarayonlarga tezkorlik bilan munosabat bildirish uchun , avvalo, PR taktikalarni to‘g‘ri va aniq bilishi talab etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. PRlab sayti
2. Lex.uz sayti
3. Indeed.com
4. Ahrefs.com

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ
ГЕОГРАФИК ЎРНИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ БАҲОЛАШ

Рўзмонова Дилором Бекназаровна

Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент 2023

Аннотация. Мазкур мақолада Тошкент вилояти шаҳарларининг салоҳияти ресурслар ва имкониятлари баҳоланган. Бунда шаҳар ҳосил қилувчи тармоқлар орасидаги тармоқлар тафовутлар аниқланган

Калит сўзлар: Иқтисодий географик ўрин, етакчи тармоқ, табиий, транспорт, геосиёсий омиллар

Аннотация В данной статье оценивается потенциал, ресурсы и возможности городов Ташкентской области. При этом выявлены различия между сетями, образующими город.

Ключевые слова: Экономико-географическое положение, ведущая отрасль, природные, транспортные, геополитические факторы.

Annotation: In order to analyze the potential, resources and opportunities of the cities of the Tashkent region. In this case, the differences between the networks forming the city have been identified

Key words Economic geographic location, leading network, natural, transport, geopolitical factors

Тошкент вилояти шаҳарларининг иқтисодий географик ўринини таҳлил қилиш учун кўриб ўтиладиган шаҳарлар қайси кўрсаткичлар бўйича минтақада етакчилик қилади ва шаҳарлар ўртасида қандай алоқалар мавжудлигини таҳлил қилиш зарур. Ушбу жадвалда шаҳарларни қатор кўрсаткичлар асосида баҳолаб чиқилган. Бу кўрсаткичлар иқтисодий географик ўриннинг қулай ёки ноқулайлигини аниқлашда муҳим омил саналади.

Табиий географик омил. Вилоятнинг шимолий ва шимоли-шарқий қисмлари Ғарбий Тяньшан тоғлари ва унинг тармоқлари (Қурама, Писком ва Угом тоғлари)

билан банд. Энг баланд жойи Писком тизмасидаги Аделунг тоғи (4301 м). Чатқол ва Қурама тоғлари орасида Оҳангарон дарёси кесиб ўтган, Оҳангарон платоси жойлашган. Вилоят ҳудудининг катта қисми Сирдарё томон қияланиб борадиган тоғ олди текислиги (Чирчиқ–Оҳангарон водийси) дан иборат бу жиҳатдан шаҳарларнинг табиий географик ўрнини яхши баҳолаш мумкин.

Транспорт омили жиҳатдан шаҳарлар бир мунча фарқ қилади. Транспорт иқтисодиётнинг қон томири саналар экан иқтисодий географик ўриннинг яхшиланишида муҳим омил ҳисобланади. Тошкент вилояти шаҳарлари шарқий ҳудудлар билан алоқаси Қамчиқ довони орқали автомобил йўлининг қурилиши ва Ангрен-Поп темир йўлини ишга тушгунича транспорт тугунини яхши деб баҳолаб бўлмас эди.

Таҳлил этилаётган шаҳарлар 49 минг аҳолига эга Нурафшон шаҳри ва қолган шаҳарлар катта шаҳарлар сирасига кириб иқтисодий ривожланганлиги жиҳатидан минтақада пешқадам саналади. Шу боис шаҳарларда транспорт тўри яхши ривожланган. Хусусан, автомобил ва темир йўл транспорти яхши ривожланган. Шу билан бирга Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарларида темир йўл транспорти яхши ривожланган. Ангрен-Поп темир йўл линиясини ишга туширилиши шаҳарнинг иқтисодий ривожланишига янада яхши туртки бўлди. Маъмурий марказларга яқинлиги, яъни Тошкент шаҳрига нисбатан узоқ яқинлиги назарда тутилган. Бунда шаҳарлар орасидаги масофага асосан баҳо берилган. Инвестиция омили, бунда 2020 йилда мобайнида қайси шаҳарларга кўп инвестиция киритилганлиги асосида баҳо берилган. Бунда юқори кўрсаткичларга Олмалиқ (2998,8 млрд сўм) ва Оҳангарон (1514,0 млрд сўм) шаҳарларидир. Бу шаҳарлардаги асосий инвестиция шаҳарлардаги мавжуд саноат корхоналарини модернизация учун йўналтирилмоқда.

Геосиёсий қўшничилик омили бу омилда шаҳарларнинг бошқа давлатлар билан чегарадошли ёки чегара ҳудудларига яқин жойлашганлиги инобатга олинган. Геосиёсий қўшничилик жиҳатидан қилоятда Олмалиқ шаҳри бир мунча ноқулай ўринга эга ва Чирчиқ шаҳрини ҳам айнан шундай чегараолди шаҳарлар сирасига киритишимиз мумкин. Бунда яна аҳамиятли жиҳати катта ва йирик шаҳарлар чегара ҳудудига яқин жойлашиши бир мунча хатарлидир, аммо бу кичик ва ўрта шаҳарлар учун у қадар хавф туғдирмайди.

Шаҳарлар	Табий географик омили	Транспорт омили	Тарихий марказларга яқинлиги	Маъмурий марказларга яқинлиги	Инвестиция омили	Геосийосий кўпчилик	Миграция омили	Меҳнат ресурси омили	Фойдали қазилмалар	Демографик омили	Туризм ва рекреация объектларининг мавжудлиги	Жами баллар	Ўртача баллар
Ангрен	6	8	6	5	8	6	5	7	9	9	5	74	6.7
Бекобод	7	7	6	3	6	5	9	7	7	7	5	69	6.4
Нурафшон	7	6	9	8	8	8	5	8	6	8	8	87	7.8
Оҳангарон	7	5	7	7	9	7	9	6	7	5	6	75	6.8
Олмалик	8	8	6	6	9	7	8	8	9	8	6	82	7.3
Қибрай	8	8	7	9	7	6	6	7	6	7	7	78	7.0
Чирчиқ	9	8	7	6	8	6	8	8	9	8	6	83	7.4
Янгийўл	8	7	8	7	6	8	9	6	7	7	7	80	7.2
Ғазалкент	9	7	7	6	6	5	6	6	6	6	9	73	6.4

Вилоят шаҳарларининг И.Г.Ў. ни баҳолаш

Жадвал муаллиф томонидан тузилган

Миграция омили ушбу бандда миграция сальдоси “+” бўлган шаҳарларга юқори балл берилди. Бунда Бекобод ва Янгийўл шаҳарлари юқори кўрсаткичларга эга. Тошкент вилояти шаҳарларидаги миграция асосан ички миграция ҳисобланади.

Саноат маҳсулотлари ҳажми.2020 йил ойларида ҳудулар кесимида кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суратлари, ўтган йилга нисбатан (% ҳисобида) Нурафшон (105.3 %), Янгийўл (104.4%), Бекобод шаҳарларида қайд этилди. 2020 йил январ-декабр ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича энг юқори кўрсаткич Нурафшон шаҳрида- 17859,7 минг

сўмни ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104.0%ни ташкил этди. Бекобод шаҳрида ва Олмалиқ шаҳарлари давлат капиталига тегишли корхоналар сони бўйича вилоятда етакчилик қилади. Олмалиқ шаҳри бу йўналишда 90%ли кўрсаткичга эгадир.

Фойдали қазилма омили бу омил ҳам ҳудудни ривожланишида ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Бу омил бўйича Ангрэн, Олмалиқ шаҳарлари юқори баҳоланган. Ушбу шаҳарлар рудали қазилма бойликлари билан яхши таъминланган. Умуман вилоятнинг кўп шаҳарларида қазилма бойликлари мавжудлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Бироқ ҳамма кон эксплуатация қилингани йўқ. Қазилма бойликлар ҳозирги кунда эксплуатация қилинмаётган депрессив шаҳарчалар ҳам мавжуд.

Демографик омил аҳоли сони юқори бўлган ҳудудлар юқори баҳоланган. Аҳоли сонидан ташқари малакали кадрлар ҳам инобатга олиниб ҳудудда олий ўқув юртларининг мавжудлиги ёки Тошкент шаҳридан келувчи мутахассислар ҳисобга олинган. Умуман аҳоли сони жиҳатдан баҳо берилган шаҳарлар табиийки катта шаҳарлар хиссасига тўғри келмоқда. Демографик омил шаҳарда ишлаб чиқариш объектларининг жойлаштириш учун ҳисобга олинган омил ҳисобланади. Айтиш жоизки, Ўзбекистон шаҳарлари учун шаҳарларни демографик омил жиҳатидан эмас кўп ҳолларда қазилма бойликларини мавжудлиги асос бўлган.

Туризм объектлари мавжудлиги омили саноат шаҳарлари ўз ўзидан бу соҳада ортида қолмоқда. Иқтисодий диверсификация қилишда туризм ва рекреация энг оптимал соҳа ҳисобланади. Ҳар бир шаҳар мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб туризмни ривожлантиришга интилиши бутун жаҳон ҳамжамияти учун хос жараёнга айланмоқда. Ҳар бир иқтисодийнинг етакчи тармоғини ривожлантириш орқалигина ёрдамчи соҳаларни ривожлантиришга эришилади.

Туризм ва рекреация ресурслари вилоятнинг шимол-шарқий ҳудудларида яхши ривожланганлиги ва шаҳарларда тарихий объектлар, қадимги шаҳар харобалари мавжуд бўлиб бу омилни яхшилашга доир кенг имкониятлар мавжуд. Тошкент вилоятини туризм имкониятларини кенг кўламда фойдаланиш шу билан бир қаторда ушбу шаҳарларда экологик мувозанатнинг бузилишини олдини олиш ҳам кўзда тутилмоқда. Туризм ва рекреация ресурсларини баҳолашда шаҳардаги мавжуд инфратузилма, меҳмонхоналар сони ва уларнинг талаб даражасидаги эканлигига ҳам эътибор қаратилган.

Туризмнинг ривожининг асоси инфратузилма, меҳмонхоналарнинг ҳолати

билан чамчарчас боғлиқдир.

Бу омил бўйича Ғазалкент шаҳри вилоятда пешқадам ҳисобланади. Унда ресурсларнинг таъминланганлик даражаси юқори.

Таъкидлаш керакки, вилоятнинг катта шаҳарларида ривожланишга нисбатан имконият, ривожланишга тўсқинлик қиладиган омиллардан устунлиги юқори.

Навбатдаги баҳолаш усули иқтисодий географик ўринни ташкил этувчи омилларни белгилаб олиниб уларни баҳолаш тизимида ўрганиб чиқилди.

Ҳар бир омил учун максимал 10 балл берилди. Бунда иқтисодий географик ўрни қулай деб Нурафшон, Олмалик, Чирчиқ шаҳарлари белгиланди. Унга кўра Нурафшон шаҳрининг умумий балл йиғиндиси 85 га тенг деб баҳоланди. Бу вилоятдаги энг юқори кўрсаткич бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сафарова Н.И. Иқтисодий географик ўриннинг минтақа ижтимоий ривожланишига таъсири. География фан номзоди. дисс.Т., 2011.

2. Светлово М.В. Комплексная оценка эколого-географического положения приморских территорий. Автореф. Мурманск 2014.

3. Смирнов И.П. Средние города Центральной России: особенности развития и роль в организации территории. Автореф. Пермь 2016.

4. Соколов С.Н. Экономико географическое положение Нижневаторского региона. Автореф. Неживаторск, 2014.

5. Земцов С.П. Оценка потенциала экономико-географического положения регионов России. Экономика региона. -Т., 2016.

6. Рахманов Б, Назаров М и др. //Природно-ресурсный потенциал развития промышленности Ташкентского экономического района.-Т.:2019.

VI. Интернет сайтлари

1. <http://e-tarix.uz>

2. <http://www.lex.uz>

3. <http://www.demoscope.ru/>

4. <http://www.ziyonet.uz>

5. <http://www.stat.uz/>

6. А.Солиев. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий географияси. -Т.: 2014.

BOSHLANG'ICH TA'LIM SIFAT SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY YONDASHUV

Ko'paysinova Fayyoza Akbarjonovna Qashqadaryo viloyati Shahrizabz shahar

1-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi.

Annotatsiya: O'zbekistonda boshlang'ich ta'lim va ta'limga zamonaviy yondashuv ta'lim jarayonini aniq vositalar yordamida samarali tashkil etish lozimligini taqozo etadi. O'zbekistonda qo'yilgan o'quv maqsadlariga muvaffaqiyatli erishish natijalarini kafolatlash bugungi kunda pedagoglar oldida turgan muhim vazifalardan biridir. Ushbu maqola boshlang'ich ta'lim sifat samaradorligini oshirishda zamonaviy yondashishning usullariga bag'ishlangan.

Kalit so'zlar: Pedagog, faraz, interfaol metod, pedagogik nazariya, "Aqliy hujum" metodi

O'zbekiston Respublikasida ta'lim sohasida o'tkazilayotgan tub islohotlarning mazmuni bugungi kunda ta'lim jarayonini loyihalashga yangicha yondashuv bilan boyib bormoqda. Ta'limga zamonaviy yondashuv ta'lim jarayonini aniq vositalar yordamida samarali boshqarish va qo'yilgan o'quv maqsadlariga muvaffaqiyatli erishish natijalarini kafolatlaydi. Boshlang'ich sinflarda ta'lim sifat samaradorligini oshirishda zamonaviy yondashuv –vaqt taqsimotiga muvofiq dasturlanib, ilmiy jihatdan asoslangan hamda kutilgan natijaga erishishni ta'minlovchi pedagogik jarayonning barcha bosqich va qismlarining vazifalari aniq belgilangan tizimdir.

Ta'lim texnologiyalari pedagogik faoliyatning ma'lum sohasini qamrab oladi. Didaktik jarayon bosqichlarini muayyan ketma-ketlikda qurish o'quvchilarning bilim faoliyatini mavzu bo'yicha belgilangan maqsadlarga mos holda tanlangan o'qitish metodlari yordamida tashkil etish demakdir. Boshlang'ich sinflarda ta'lim sifat samaradorligini oshirishda zamonaviy yondashuv - o'z mohiyati va mazmuniga ko'ra, ma'lum pedagogik nazariyaga asoslangan, u yoki bu tasnifga tegishli bo'ladi. Ularning samaradorligi to'g'risida fikr yuritilganda o'qitish jarayonini izga soladigan va uni maqsadli yo'naltira oladigan, o'qituvchi va o'quvchining hamkorlikdagi faoliyatini ta'minlash barcha ta'lim muassasalarining oldiga qo'yilayotgan maqsadga nechog'lik erishilayotganini ko'zda tutish kerak. Yoxud o'qitish metodlari bevosita ta'lim amaliyoti bilan aloqador konsepsiyasidir. Boshlang'ich sinflarda "O'qish" darslarida matnlar berilgan bo'lib, shulardan biri "Alisher Navoiy" matnidir. Matn badiiy va ilmiy uslubda berilgan. Mashq shartida matnlarni taqqoslab, ularning o'xshash va farqli tomonlarini aniqlash topshirilgan. Mazkur matnni "Aqliy hujum" metodi yordamida o'rganish ko'zlagan maqsadga erishish imkoniyatini yaratadi. Bu metod asosida matn bilan bir necha bosqichda olib boriladi.

1-bosqich. O'quvchilarni mavzuni tushunishga tayyorlash. O'tgan mashg'ulotlarda berilgan nutq usullariga oid ma'lumotlar esga olinadi va takrorlanadi, har bir nutq uslubining o'ziga xos xususiyatlari yodga olinadi. Chunki matnlarni taqqoslash uchun

o'quvchilarda nutq uslublari-ga oid ma'lumotlar yetarli bo'lishi kerak. Nutq uslublari-ga oid bilimlar yodga olingandan so'ng har ikki matn o'quvchilar tomonidan mustaqil o'qib chiqiladi. O'quvchilar matn mazmunini tushunishga harakat qiladilar.

2-bosqich. Berilgan matnlarning o'xshash tomonlarini aniqlash.

Buning uchun o'qituvchi o'quvchilarga quyidagi savolni beradi? Har ikki matn qaysi jihatdan bir-biriga o'xshaydi? O'quvchilar mazkur savolga shunday javob beradilar:

- har ikki matn ham Alisher Navoiy haqida:
- mantning mazmuni bir xil:
- har ikki matndan ham Navoiy ijodi haqida fikr bildirilgan:
- har ikkala matnda ham shoirning ustozlari nomlari keltirilgan:
- Navoiyning turkiy tilda ijod qilganligi aytilgan:
- Navoiyning jahonga tanilgan shoir ekanligi aytilgan
- Forsiy shoirlarning Navoiy ijodiga munosabati ifodalangan.

O'qituvchi o'quvchilarning Navoiy ijodiga umumlash-tiradi va o'z munosabatini bildiradi.

3-bosqich. Har ikki matn asosida badiiy va ilmiy uslubga xos xususiyatlarni

aniqlash. Bu bosqichda har bir uslubning o'ziga xos xususiyatlari aniqlanadi. Birinchi matnda badiiy uslubga xos quyidagi xususiyatlar qo'llangan: tasviriy ifoda

(zanjirband she'r) ko'chma ma'noli so'zlar (she'riyat osmoni, yulduzlarga hira tortdi, shuhratiga soya soldi). Ikkinchi matnda ilmiy uslubga xos quyidagi xususiyatlar qo'llangan: raqamlar (1441 yil tug'ilgan, XV asr 60-yillar), aniq dalillar Yevropa va Osiyo davlatlarini, Nizomiy Ganjaviy, Sadiy, Hofiz Sheroziy, Abdurahmon Jomiy kabi tarixiy shaxs nomlari, A.Jomiyning Navoiy haqidagi fikri keltirilgan. "Alisher Navoiy" matni shu metod yordamida o'rganilsa, o'quvchilar matn mazmunini yaxshiroq ang-laydilar ularning mazmuniga chuqurroq kirib boradilar matnlarni qiyoslash orqali ularning mohiyatini teran idrok etadilar va interfaol metodlar o'quvchilarni fikrlashga, darslarda faol qatnashishga, darslarda faol ishtirokchi bo'lishiga o'rgatadi. Shunday qilib, yuqoridagi interfaol metodlarni ta'lim jarayoniga tatbiq etish asosida ta'lim sa-maradorligini oshirish va ta'lim jarayoniga zamonaviy yondashish dasturi amal bo'lib qoladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Tolipov O. Umumiy pedagogika Toshkent: 2007-y.
2. Yo'ldashev O. Pedagogika Toshkent: 2008-y.
3. Xasanboeva O. Oila pedagogikasi. Toshkent: 2007-y.
4. Daminov T, Adambekova T. O'yin mashg'ulotlari. Toshkent: 1993-y/

References

1. Tolipov O. Umumiy pedagogika Toshkent: 2007-y.

2. Yo'ldashev O. Pedagogika Toshkent: 2008-y.
3. Xasanboeva O. Oila pedagogikasi. Toshkent: 2007-y.
4. Daminov T, Adambekova T. O'yin mashg'ulotlari. Toshkent: 1993-y/